

## ТАЛАБАЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ВАЗИЯТЛИ ТОПШИРИҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Уринова Шарофат Ахтамовна

Бухоро давлат тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8245870>

**Аннотация:** Ушбу мақолада тиббиёт олий таълим муассалари талабаларининг акушерлик ва гинекология фанини ўзлаштириш жараёнида уларнинг клиник тафаккурини шакллантиришга имконият яратадиган вазиятли топшириқлар, ролли ва ишбop ўйинларнинг аҳамияти, шакллари ва фаолият мазмуни ёритилган.

**Калит сўзлар:** тиббиёт, тафаккур, клиник тафаккур, фаолият, жараён, моделлаштириш, иммитация, муаммоли вазият, вазиятли топшириқ, ўйин, натижа.

Ҳозирги кунда олий тиббий таълим тизимида талабаларда нафақат чуқур назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, балки уларни келажақда амалиётда қўллаш имконини берадиган оптимал ўқитиш услубларини (диагностика, даволаш-профилактика ва бошқа муаммолар) ишлаб чиқиш ва жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, тиббиёт олийгоҳи битирувчисининг асосий хусусияти унинг касбий компетентлиги ва клиник тафаккур қилиш кўникмаларининг уйғунлигида намоён бўлади.

Тафаккурнинг шаклланиши узoқ давом этадиган жараён ҳисобланиб, талабалар фанни ўзлаштиришлари давомида аста секинлик билан ривожлантирилиб борилади.

Фанни ўзлаштиришдан мақсад мустақил иш олиб боришга тайёрлаш, даволаш, ташхислаш, профилактикаси; муҳим гинекологик касалликлар, госпиталгача босқичда шошилиш ёрдамни кўрсатиш, патологик туғруқ ва гинекологик касалликлардан кейин реабилитация ва оилани режалаштириш ва репродуктив саломатликни ҳимоялаш чораларини ўтказиш иборат ҳисобланади.

Шу билан бирга, биз талабаларга патологиянинг аниқланган белгиларини тушуниш, эҳтимолли касалликлар бўйича фаразларни илгари суриш; дифференциал ташхис ва клиник ташхисни шакллантириш нуқтаи назаридан фикрлаш; касалликнинг этиологияси ва патогенезини ташкил этувчи омиллар ва вазиятларнинг мумкин бўлган кетма-кетлигини аниқлаш; башоратлаш, даволаш режасини тузиш ва унинг натижаларини баҳолаш; профилактика ва реабилитация тадбирларини режалаштириш кўникмаларини ҳам таркиб топтиришимиз лозим. Чунки, касбий фаолиятнинг муваффақияти кўп жиҳатдан клиник фикрлашга асосланган оператив тафаккурнинг намоён бўлишига боғлиқ бўлади.

Таълим жараёнида талабаларнинг тафаккурини шакллантириш, касалликларни дифференциал ташхислаш, адекват шифокорлик тактикасини қўллаш бўйича тадқиқот усулларини танлаш мақсадида таълимий ва назорат қилувчи вазиятли топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Вазифали топшириқлар талабаларнинг янги ўрганилган материал, қўшимча адабиётлар бўйича аллақачон мавжуд билимларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Шунингдек, талабаларнинг таҳсил олаётган курсига қараб табақаланади ва турли

ихтисослик шифокорларини (акушер-гинеколог, анестезиолог-реаниматолог, жаррох, терапевт, умумий амалиёт шифокори) тайёрлашга қаратилган.

Бухоро давлат тиббиёт институтидаги педагогик фаолиятимиз жумладан, акушерлик ва гинекология фанини ўқитиш жараёнида биз бир неча хил типдаги вазиятли топшириқлардан фойдаланамиз.

Биринчи навбатда бу талабалар ўртасида акушерлик бўйича билимларни ривожлантириш ва мустақамлашга қаратилган қисқа ва аниқ жавобни талаб қиладиган одатий ўзига хос вазиятларни ҳал этишга қаратилган вазифалардир.

Иккинчи турдаги вазифалар анча мураккаб клиник вазифалар бўлиб, улар етарли назарий билимларни талаб қилади ва кўплаб маълумотларни ўз ичига олади, уларни ҳал қилишда турли ёндашувларни амалга ошириш мумкин.

Ушбу турдаги клиник вазифалар талабанинг клиник тафаккурини, унинг клиник вазиятларда тез қарор қабул қилиш ва тўғри тиббий тактикани танлаш қобилиятини ривожлантириш имконини беради.

Учинчи турдаги вазиятлар – кенгайтирилган мантиқий тузилишга эга бўлиб, дастурлаштирилган таълим ва назорат элементларидан иборат топшириқларни ўз ичига олади.

Бу вазиятли топшириқлар ташхис қўйиш жараёнида талабаларда клиник ва мантиқий тафаккурни ривожлантиришга имконият яратади ҳамда "Акушерлик ва гинекология" фанидан фундаментал билимларни талаб қилади.

Ташкилий-фаол ўйинлар муаммоли вазиятни ишлаб чиқиш ва ҳар бирининг шахсий позициясини сақлаб қолган ҳолда, уни таҳлил қилиш жараёнида гуруҳдаги барча талабаларнинг ўзаро таъсири асосида талабаларнинг жамоавий ақлий фаолиятини ташкил этишни таъминлайди.

Ролли ўйинлар ўқувчиларга аниқ вазифа ёки муаммо берилиши ва уни ҳал қилишда ролларнинг иштирокчилар ўртасида тақсимланиши билан тавсифланади.

Ишбилармонлик ва ишбоп ўйинлари касбий фаолиятни реал шароитларга яқин моделлаштириш йўли билан ўргатиш усули сифатида, вазият, вазифа ёки муаммонинг динамик ривожланиши билан кейинги воқеаларга қатъий мувофиқ равишда қарорлар ва қабул қилинган ҳаракатлар характерига қараб ташкил қилинади. Ишбоп ўйинлар касб фаолияти предмети ёки ижтимоий мазмунини қайтадан яратиш шакли бўлиб, амалиётнинг ана шу турига хос муносабатлар тизимини моделлаштиришдир. Ишбоп ўйинларни ўт казишда унинг қатнашувчилари фаолиятини махсус (ўйин тарзида) имитация моделида ривожлантиришдан иборатдир.

### References:

1. Абдуллаев К. Ф., Бобомуродова Н. Д. Didaktik talim vositalari talim jarayoni samaradorligini taminlash omili sifatida: DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.55.50.016> //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 3. – С. 81-86.
2. Буравкова, А. Г. Ситуационные задачи как способ формирования клинического мышления врача / А. Г. Буравкова, О. Б. Демьянова // Личность, семья и общество: вопросы педагогики и психологии. – 2014. – № 38. – С. 41–45.

3. Курбанова Г.Н. Талабалар касбий тафаккурини ривожлантиришда замонавий маъруза машғулотларининг аҳамияти // Биология и интегративная медицина. 2021. №2 (49).
4. Петров, В. И. Клиническое мышление в современной системе высшего медицинского образования в России / В. И. Петров, М. Ю. Фролов// Мед. образование и профессиональное развитие. – 2010. – № 1. – С. 59–62
5. Хамдамова М.Т., Уринова Ш.А. Тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида гинекология фанини ўқитиш жараёнида клиник тафаккурни ривожлантириш тузилмаси // Биология и интегративная медицина. 2022. №1 (54).
6. Хурса, Р. В. О клиническом мышлении и преподавании клинических дисциплин / Р. В. Хурса // Мед. журн. – 2004 – С. 106–108.
7. Mirzaeva, A. S. (2022). INTRA-LINGUISTIC AND EXTRA-LINGUISTIC FACTORS RELATED TO THE LANGUAGE AND VOCABULARY OF THE BASIC CONCEPTS OF RENAISSANCE ENGLISH PHILOSOPHY. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 1(5), 9-17.
8. Aziza, M. (2022). THE THEORY OF INTERTEXTUALITY AS A PARADIGM AND THE IMPACT OF THIS THEORY ON TRANSLATION. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(5), 990-995.
9. Мирзаева, А. Ш. (2021). РЕМИНИСЦЕНЦИЯ КАК ЭЛЕМЕНТ ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОСТИ В ПРОИЗВЕДЕНИИ РИКА РИОРДАНА “PERCY JACKSON AND THE LIGHTNING THIEF”. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(3).
10. Mirzaeva, A. S. (2022). THEORY IN INTERTEXTUALITY AND THREE SEAMLESS INTERTEXTS: M. BUTTERFLY BY DAVID H. HWANG, AS IS BY WILLIAM M. HOFFMAN, AND EXECUTION OF JUSTICE BY EMILY MANN. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 160-165.
11. Shavkatovna, M. A. (2022). ENLIGHTENMENT-MORAL, PHILOSOPHICAL, LINGUISTIC VIEWS OF MODERN CREATORS.
12. Shavkatovna, M. A. . (2022). Interrextuality in Rick Riordan’s Work. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(9), 180–185. Retrieved from <https://www.grnjournals.us/index.php/ajshr/article/view/1507>.
13. Mirzaeva Aziza Shavkatovna. (2021). Allusion As The Way Of Rendering Elements Of Ancient Greek Mythology In The Tissue Of Modern Literature. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 505-514. <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03Issue01-91>
14. Shavkatovna, M. A. . (2022). Interrextuality in Rick Riordan’s Work. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(9), 180–185. Retrieved from <https://www.grnjournals.us/index.php/ajshr/article/view/1507>
15. Aziza Mirzaeva Shavkatovna. (2022). THE INTERTEXTUAL AND INTERCULTURAL REFERENCES IN LODGE’S CAMPUS NOVELS. *American Journal Of Philological Sciences*, 2(11), 29–35. <https://doi.org/10.37547/ajps/Volume02Issue11-05>
16. Aziza, M. (2022). THE THEORY OF INTERTEXTUALITY AS A PARADIGM AND THE IMPACT OF THIS THEORY ON TRANSLATION.
17. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev. Bakaev Najmiddin Bakaevich. expressions..

(2020). The role of the Latin language in the history of world statehood. ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (85), 367-372. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-05-85-71> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS> Scopus ASCC: 1203. THE ROLE OF THE LATIN LANGUAGE IN THE HISTORY OF WORLD STATEHOOD

18. Islam in the evolution of social and political views of the Uzbek Jadids, their role in the formation of the idea of National Independence KB Shadmanov, SS Shodiev, TN Zayniddinovna CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2 (2), 44-50 2021

19. Shodiyev Shaxobiddin Sharofiddinovich, & Tasheva Nafisa Zayniddinovna. (2021). THE ROLE OF THE WAY OF THE GREAT STEPPE IN THE CONTINUITY AND RELATIONSHIP OF THE PHILOSOPHY AND CULTURE OF THE MUSLIM EAST AND THE RENAISSANCE WEST. Innovative Academy Research Support Center, 1(3), 9-13. <http://doi.org/10.5281/zenodo.4925956>

20. Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich, & Majitova Nafisa Zokirovna. (2021). IDEAS ABOUT AN IDEAL PERSON, LANGUAGE, PROSPERITY IN THE EVOLUTION OF PUBLIC AND POLITICAL VIEWS OF THE UZBEK JADIDS OF THE BEGINNING OF THE XX CENTURY. Eurasian Journal of Academic Research, 1(3), 5-8. <http://doi.org/10.5281/zenodo.4925897>

21. Shodiev Sh.Sh., Majitova N.Z. Ideas About an Ideal Person, Language, Prosperity in the Evolution of Public and Political Views of the Uzbek Jadids of the Beginning of the XX century // Euroasian Journal of Academic Research. V.1 Iss.03.- 2021.P. 5-8.

22. Shodiev Sh.Sh., Tasheva N.Z. The Role of the way of the Great Steppe in the continuity and relationship of the philosophy and culture of the Muslim East and the Renaissance West // Euroasian Journal of Academic Research. V.1 Iss.03.- 2021. P.9-13.

23. Shodiev Sh.Sh., Hakimova M.A. Revenge idea's transformation in "Hamlet" poem // Euroasian Journal of Academic Research. V.1 Iss.03.- 2021. P. 53-55.